

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда соғ'лиқни сақлаш Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2012 йил 9 ноябрь • № 45 (910)

Авваламбор, сизларни касбий байрамингиз билан самимий муборакбод этамиз. Республика соғлиқни сақлаш тизими янада юқори босқичга кўтарилишида ҳар бирингизнинг муносиб ҳиссангиз борлигини эътироф этиш ўринлидир.

Муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, «Ҳақиқатан ҳам, дунёдаги минг-минглаб касблар орасида иккита буюк касб – шифокорлик ва ўқитувчилик касби борки, улар, токи ҳаёт бор экан, ўзининг маъно-мазмунини ва олижаноблигини, аҳамиятини ва ҳурматини ҳеч қачон йўқотмайди».

Бугунги кунда соҳанинг қайси бир йўналишига қарамайлик, албатта, салмоқли ишлар қилинганлигининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ўтказилаётган

АЗИЗ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ!

кенг кўламли ислоҳотлар натижасида бир-биридан кўркам тиббиёт муассасалари қад кўтариб, халқимизни мамнун этмоқда. Шифо масканлари замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги ҳамда юксак талабларга жавоб берадиган малакали мутахассислар шаклланаётганлиги ҳам эътиборга моликдир. Қўлга киритилаётган ана шу ютуқлар қаторида айтишимиз муҳимки, мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида Президентимиз раҳнамолигида академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказида замонавий кардиохирургия мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топши-

рилганлиги ҳам қалбимизни фахр ва ифтихорга тўлдирди. Мазкур йўналишда бугун юртимиз кардиохирурглари томонидан энг мураккаб ва ноёб жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли ўтказилаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Юртимиз тиббиёти бугунги кунда ўз мавқеига эга бўлиб, дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаётганлиги жаҳоннинг нуфузли халқаро ташкилот ва мутахассислари томонидан тан олинмоқда. Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлиб, бу бо-

рада ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди. Соҳа илмий фаолиятида ўз салоҳиятини ҳар томонлама намоён этиб келаётган ёш мутахассисларнинг фан уфқлари сари изланиш ва интилишлари ҳам хорижлик ҳамкасбларимиз томонидан муносиб баҳоланди.

Соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантиришда бор билимингиз, маҳоратингиз ва тажрибангизни халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашдек олижаноб ишга қаратасиз, деган умиддамиз.

Сизларни касбий байрамингиз билан самимий қутлаб, ўзингизга соғлиқ-саломатлик, оилавий хотиржамлик, ишларингизда эса омадлар тилаб қоламиз.

**Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги.**

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР, ЮКСАК САМАРАЛАР

мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги ўзгаришларда ҳам яққол намоён бўлмоқда

Ҳар бир мамлакатнинг куч-қудрати, жаҳон миқёсидаги нуфузи, обрў-эътибори энг аввало шу юртда одамлар қандай ҳаёт кечираётганлигига қараб белгиланади. Зеро, бугунги кунда ҳар қайси халқ, давлат ва жамиятнинг тараққиёт кўрсаткичи инсон, унинг соғлиғи ва турмуш даражасига берилаётган эътибор, шу йўлдаги саъй-ҳаракатлар билан ўлчаниши ҳаммамизга равшан.

Шу боис мамлакатимизда халқ саломатлигини мустаҳкамлаш, маънан ва жисмонан соғлом авлодни вояга етказиш борасида узоқни кўзлаб, оқилона чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Инсон ва унинг манфатларини таъминлаш, соғлиғини янада мустаҳкамлаш бош мақсадга айланди. Бу ҳақда Президентимизнинг БМТ Бош ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган нутқида атрофлича фикр юритилгани, бу борада яқин ва олис истиқболга мўлжаллаб қабул қилинган стратегик дастурларимизнинг мазмун-моҳияти кенг баён этилгани ҳаммамизга яхши аён, албатта.



Юртбошимизнинг 1998 йил ноябрь ойидаги фармони билан Ўзбекистонда дунёда ўхшаши кам бўлган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури амалга оширилаётгани туфайли

тиббиётда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида самарали тизим, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос модель яратилди. Албатта, бундай дастурлар қадриятимизга, янги ҳаёт ва дунёқараш не-

гизига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради. Бугунги кунда бу йўлда изчил олиб борилаётган ислоҳотлар натижалари ҳар бир юртдошимизнинг кундалик ҳаётида акс этиб, саломатли-

ги янада мустаҳкамланаётгани, умр кўриш давомийлиги ҳам ошаётганлиги шундай деб таъкидлашга асос бўлади.

(Давоми 4-5-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг БУЙРУҒИ

2012 йил 1 ноябрь

№ 412

Тошкент шаҳри

Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан соғлиқни сақлаш ходимларидан бир гуруҳини «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлаш тўғрисида

Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан аҳоли соғлигини мустақамлаш ишида ўзини кўрсатган, етарлича иш тажрибаси ва касб малакасига эга бўлган, ўз фаолиятида юқори натижаларга эришганлари учун қуйидагилар «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлансин:

- Пирлепесова Жумагуль Бердибаевна** – Чимбой туман тиббиёт бирлашмасига қарашли «К. Аvezов» ҚВП мудири
- Нурибегов Жуманияз Халикбердиевич** – Тўрткўл туман тиббиёт бирлашмаси бўлими мудири
- Алланазарова Қызларгуль Толыбаевна** – Қонликўл туман тиббиёт бирлашмаси «Алтынкул» ҚВП мудири
- Шункеева Тамара Утеңиязовна** – Қорақалпоғистон Республикаси ДСЭНМ бўлими мудири
- Эм Марта Сергеевна** – Республика кўз касалликлари шифохонаси маслаҳат-поликлиникаси мудири
- Каспаева Ильмира Анваровна** – Балиқчи туман тиббиёт бирлашмаси дояси
- Жабборов Дадажон Камалович** – Булоқбоши туман тиббиёт бирлашмаси «Шарқ юлдузи» ҚВП мудири
- Махкамова Машхура Узаковна** – Избоскан туман тиббиёт бирлашмаси «Туячи» ҚВП мудири
- Перевезенцева Елена Станиславовна** – Андижон вилоят силга қарши кураш диспансери бўлими мудири
- Мўйдинова Манзура Нематовна** – Андижон вилоят офтальмология шифохонаси бош врач
- Комилов Муқомжон** – Хонобод шаҳар тиббиёт бирлашмаси терапевти
- Кутлиев Собир Рамазонвич** – Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази абдоминал хирургия бўлими врач-хирурги
- Турсунова Гуландом Раҳимовна** – Вилоят болалар уйи ҳамшираси
- Файзуллаев Раҳматулла Нарзуллаевич** – Бухоро шаҳар 23-сон сколиоз билан касалланган болалар санаторий мактаб-интернати врач-ортопеди
- Сафаров Ходжи Ярашевич** – Бухоро вилоят ДСЭНМ врач
- Эркабоева Жамила Мухамеджоновна** – Пахтакор туман ДСЭНМ врач-эпидемиолог
- Аширматов Тўракул Эминкулович** – Жиззах вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази врач-оториноларинголог
- Нодирова Насибали Эгамбердиевна** – Зафаробод туман тиббиёт бирлашмаси Хамид Олимжон номли ҚВП умумий амалиёт врач
- Туракулов Хамидулла Убайдуллаевич** – Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонаси бўлими мудири
- Давронов Аслонжон Равшанович** – Қашқадарё вилоят юқумли касалликлар шифохонаси реанимация бўлими врач-инфекционисти
- Салахиддинова Адолат** – Қашқадарё вилоят сил касалликлар диспансери лаборатория бўлими бошлиғи
- Набиева Шоира Ганиевна** – Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Қашқадарё филиали директори
- Ахмедов Журакул Гафурович** – Қашқадарё вилоят сил касалликлари шифохонаси бош врач ўринбосари
- Раупова Земфира Ахатовна** – Косон туман тиббиёт бирлашмаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими врач-хирурги
- Равшанова Сайёра Ахатовна** – Қашқадарё вилоят қон хизмати маркази ҳамшираси
- Курбанова Саломат** – Китоб туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси врач- акушер-гинеколог
- Муқимов Тўлқин Ҳамидович** – Навоий вилоят болалар юқумли касалликлар шифохонаси бош врач
- Разиқов Бахритдин Бахронович** – Кармана туман тиббиёт бирлашмаси жарроҳлик бўлими мудири
- Наврұзов Омон Умедович** – Қизилтепа туман тиббиёт бирлашмаси «Олмазор» ҚВП бош фельдшери
- Хусаинов Абдутолиб Набиевич** – Нурота туман тиббиёт бирлашмаси координатори
- Бойдедаев Махмутжон** – Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси ички дорихона бўлими мудири
- Каримова Сохиба Аскарралиевна** – Мингбулоқ туман тиббиёт бирлашмаси «Дўмса» ҚВП ҳамшираси
- Исмаилов Мухиддин Хамитжанович** – Косонсой туман тиббиёт бирлашмаси бош фельдшери
- Рўзимова Феруза Жураевна** – Тўрақўрган туман тиббиёт бирлашмаси тез ёрдам бўлими мудири
- Турдиев Ахмадхўжа Нарзуллаевич** – Чортоқ туман тиббиёт бирлашмаси «Мучум» ҚВП мудири
- Бобаев Насимжан Маликович** – Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ревматология-пульмонология бўлими мудири
- Ахмедов Гулом Алламурадovich** – Самарқанд вилоят ДСЭНМ коммунал гигиенаси бўлими бошлиғи
- Султанова Назира Турсуновна** – Самарқанд вилоят ўсимирлар диспансери бош врач ўринбосари
- Саттарова Гулшан Журакуловна** – Самарқанд шаҳар 8-сон оилавий поликлиника ҳамшираси
- Каршибоев Тожибой Хосилович** – Пойариқ туман тиббиёт бирлашмаси анестезиология ва реанимация бўлими мудири
- Хомидова Ханифа Мухсиновна** – Тойлоқ туман тиббиёт бирлашмаси «Сочак» ҚВП мудири
- Исматова Гулчехра Истамовна** – Самарқанд шаҳар 1-сон туғуруқ мажмуаси амбулатория бўлими мудири
- Кушбаева Мунера Шералиевна** – Сирдарё вилоят сил касалликларга қарши курашиш диспансери бўлим катта ҳамшираси

- Бадалова Шарифа Юлдашевна** – Сирдарё туман тиббиёт бирлашмаси «Шоликор» ҚВП мудири
- Хамракулова Мавлюда Водудовна** – Гулистон шаҳар тиббиёт бирлашмаси неврология бўлими мудири
- Рузикулов Шухрат Холматович** – Термиз шаҳар болалар юқумли касалликлар шифохонаси реанимация бўлими бошлиғи
- Пардаев Йўлдош** – Бойсун туман тиббиёт бирлашмаси жарроҳлик бўлими бошлиғи
- Шукуров Иззатулло Лутфуллаевич** – Сарийосиё туман тиббиёт бирлашмаси «Сангардак» ҚВП мудири
- Бўриева Бибиражап Раҳмоновна** – Сарийосиё туман ДСЭНМ санитария-бактериология лабораторияси мудири
- Ахмедов Бахтиёр Убайдуллаевич** – С. Салимов номидаги вилоят «Жайронхона» физиотерапия шифохонаси бош врач
- Ташбекова Дилорам Бахрамовна** – Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматика шифохонаси болалар неврологияси бўлими мудири
- Ходжиназаров Махаматкул Ибраимджанович** – Ўрта Чирчик туман тиббиёт бирлашмаси врач травматолог-ортопеди
- Юсупов Фарид Сайфуллаевич** – Оққўрган туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиника врач-паразитолог
- Нурмухамедова Раҳима Юнусовна** – Оҳангарон туман тиббиёт бирлашмаси «Қорахитой» ҚВП врач
- Нурматова Дилбар Нуровна** – Чирчик шаҳар тиббиёт бирлашмаси врач-терапевти
- Хакимбаева Шаҳодат Турсунбаевна** – Тошкент вилояти «Кичкинтой» болалар уйи врач-педиатри
- Евдокимова Лариса Станиславовна** – Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонаси кардиология бўлими мудири
- Нузулматова Хамида Юнусматовна** – Тошкент вилояти руҳий-асаб касалликлари диспансери наркологи бўлими ҳамшираси
- Хамидов Хусан Исраилович** – Зангиота тумани тиббиёт бирлашмаси 2-сон туман шифохонаси бош врач
- Жўраев Мамиржон Йигиталиевич** – Фарғона вилоят стоматология шифохонаси стационар бўлими мудири
- Исламбекова Зулфия Астанакуловна** – Фарғона вилоят онкология диспансери бош врач
- Улуғхожаев Собирхон Солиевич** – Фарғона вилоят перинатал маркази реанимация бўлими мудири
- Дусматов Обиджон Тухтасинович** – Ёзёвон тумани «Сойбўйи» ҚВП мудири
- Рахимов Ибрагимжон Ганиевич** – Фарғона вилоят ДСЭНМ захарли химикатлар бўлими мудири
- Раҳмонова Махфират Мирзаганиевна** – Фурқат туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли поликлиника врач-педиатри
- Рузметова Угилжан** – Хоразм вилоят стоматология поликлиникаси терапевт-стоматолог
- Исмоилов Баходир Абдуллаевич** – Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош

- врачи
- Эгамов Икром Машарипович** – Хоразм вилоят онкология диспансери врач-хирурги
- Дзугаева Людмила Руслановна** – Хоразм вилоят болалар уйи бош врач
- Жуманиязов Ботир** – Питнак туман тиббиёт бирлашмаси клиник диагностика бўлими врач
- Отажонов Шоназар Таирович** – Хоразм вилоят ДСЭНМ эпидемиология бўлими мудири
- Ибадов Абдулла Сағдуллаевич** – Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари
- Рахманова Зулхумор Сабиоровна** – Тошкент шаҳар 32-оилавий поликлиника умумий амалиёт врач
- Сабилова Маида** – Юнусобод туман тиббиёт бирлашмаси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассиси
- Калюжная Вера Владимировна** – Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш маркази врач-эпидемиолог
- Закиржанова Хасият-хон** – Тошкент шаҳар 8-сон шаҳар туғуруқ комплекси лаборатория мудири
- Бакирова Матлюба Хатиповна** – Тошкент шаҳар 55-оилавий поликлиника бош врач ўринбосари
- Брусенцова Ирина Михайловна** – Тошкент шаҳар 5-сон силга қарши кураш диспансери врач-фтизиатри
- Тиллаходжаева Кошифа Шарипхаджаевна** – Тошкент шаҳар 27-оилавий поликлиника врач
- Вахитова Рихсиниса Ильяминовна** – Тошкент шаҳар Олмазор туман Давлат санитария-эпидемиология нazorat маркази врач
- Лубенец Раиса Фёдоровна** – Тошкент шаҳар Ҳамза туман Давлат санитария-эпидемиология нazorat маркази бўлим мудири
- Мирзаева Муқаддам Мавляновна** – Тошкент шаҳар Сергели туман Давлат санитария-эпидемиология нazorat маркази бўлим мудири
- Цой Флора Фёдоровна** – Тошкент шаҳар Юнусобод туман Давлат санитария-эпидемиология нazorat маркази бўлими врач
- Гуламмахмудова Дилбар Абдувалиевна** – 7-сон шаҳар клиник шифохонаси бўлим мудири
- Қадирбеков Ровшанбек Турсунбекович** – Республика нейрохирургия илмий маркази нейроонкология бўлими мудири
- Эржонов Жуманазар Бекчанович** – Республика болалар ортопедия маркази нейро-ортопедия бўлими мудири
- Ахмедова Халида Юлдашевна** – Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти бош илмий ходими
- Маматова Нодири Мухторовна** – Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва леология кафедраси доценти
- Махмудова Азиза Джумановна** – Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти илмий ишлар бўйича директор ўринбосари
- Ким Майя Михайловна** – Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология

- илмий-амалий тиббиёт маркази оила ва никоҳ маслаҳатхонаси врач- акушер-гинеколог
- Алимова Хилола Пулатовна** – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази педиатрия бўйича Бош директор ўринбосари
- Турсунов Хасан Зияевич** – Республика патолого-анатомик маркази биопсия диагностикаси ва телемедицина бўлими мудири
- Алимджанов Нусратджан Амилджанович** – Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази клиникаси эндокрин хирургияси бўлими мудири
- Казаков Дилшод Эркинович** – М. Б. Франк номидаги Республика врачлик-жисмоний тарбия диспансерининг врачлик нazorati бўлими врач
- Миразимов Бахтияр Батирович** – Республика ихтисослаштирилган суяк-ийринг хасталиклари ва жароҳат оқибатларини даволаш илмий маркази бўлим мудири
- Бакиева Инобат Бахраниковна** – Республика болалар таянч-ҳаракат тизими касалликлари реабилитацияси маркази бўлим мудири
- Бабаджанов Бахтияр Дусчанбаевич** – Республика йирингли жарроҳлик ва қандли диабет жарроҳлик асоратларини даволаш маркази директори
- Низамходжаев Зайниддин Махаматович** – Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази қизил-ўнғач ва ошқозон жарроҳлиги бўлими раҳбари
- Абдиназаров Дилшод Абдинаевич** – Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия маркази ташкилий-услубий бўлими мудири
- Хашимова Рано Муратовна** – Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази врач
- Вахובהва Дилором Набиевна** – Республика кўз касалликлари клиник шифохонаси врач-офтальмолог
- Худайбергенов Рустам Умарович** – 2-сон Республика клиник шифохонаси 2-сон поликлиникасининг мудири
- Мирходжаева Ибодат Исмаиловна** – Тошкент тиббиёт академияси 1-клиникаси болалар кардионефрология бўлими врач
- Уринов Ахмадхон Хабидуллоевич** – Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникаси қон қуйиш бўлими мудири
- Ирханов Мирвазал Мирагзамович** – Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси бош врач ўринбосари
- Усманханов Орифхон Аюбханович** – Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси болалар травматологияси ва ортопедияси бўлими мудири
- Зуфаров Пўлат Сатович** – Тошкент тиббиёт академияси тиббий санитария факультети декани
- Пономарёва Людмила Александровна** – Тошкент тиббиёт академияси умумий ва радиацион гигиена кафедраси профессори

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг БУЙРУҒИ

2012 йил 1 ноябрь

№ 412

Тошкент шаҳри

Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан соғлиқни сақлаш ходимларидан бир гуруҳини «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлаш тўғрисида

111. Каримов Мирзохид Мирвасикович – Тиббиёт-санитария бирлашмаси даволаш-профилактика бўлими мудир
112. Ганиев Тулкунжан Гапирович – Тиббиёт-санитария бирлашмаси 1-марказий клиник шифохона бош врач ўринбосари
113. Дусаева Руниза Равилевна – Тиббиёт-санитария бирлашмаси 1-марказий поликлиника терапия бўлими мудир
114. Шайхова Умида Рауфовна – Тиббиёт-санитария бирлашмаси 2-марказий поликлиника бош врач ўринбосари
115. Юсупов Бахрамжон Умаржонович – Тиббиёт-са-

нитария бирлашмаси санитария-эпидемиология назорати махсус бўлим мудир
116. Орлова Любовь Дмитриевна – Қ. С. Зоиров номли Ўзбекистон соғлиқни сақлаш музейи экскурсоводи
117. Исломов Улуғбек Фазлитдинович – Республика онкология илмий маркази бўлим мудир
118. Искендеров Абдибай Турдыбаевич – Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш Маркази Нукус филиали директори
119. Адиллов Кабул Камиллович – Республика стоматология поликлиникаси врач стоматолог-ортопеди
120. Курёзов Акбар Курам-

баевич – Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали педиатрия факультети декани
121. Халимов Абдурахим – Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси фармокопоя кўмитаси раиси
122. Умарова Зулхумор Юсупжановна – Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси қайд этиш бюроси бошлиғи
123. Комиллов Абдухаким Восикович – Дори воситалари экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази директори ўринбосари
124. Бабажанов Ахмаджан Султанбаевич – Соғлиқни сақлаш вазирлиги Назорат инспекциясининг Самарқанд вилояти

бўйича бошлиғи
125. Ризаев Чори Буриевич – Соғлиқни сақлаш вазирлиги Назорат инспекциясининг Қашқадарё вилояти бўйича бошлиғи
126. Сорокина Людмила Яковлевна – Давлат илмий тиббиёт кутубхонаси янги ахборот технологиялар ва чет эл фонд адабиётлари бўлими мудир
127. Салимова Назима Рихситуллаевна – Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази кардиocereбрал касалликлари лабораторияси катта илмий ходими
128. Искандаров Шавкат Таджиевич – Республика саломатлик ва тиббий статистика инс-

титуту халқаро алоқалар бўлими бошлиғи
129. Миразимова Хадия – Республика перинатал маркази гинекология бўлими мудир
130. Абдурахимова Насиба Юсуповна – Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази Жиззах филиали директори
131. Касымов Аҳдам Лутфуллаевич – Андижон Давлат тиббиёт институти клиникаси юрак қон-томир жарроҳлиги бўлими мудир
132. Салахидинов Адилжан – Андижон Давлат тиббиёт институти профессори

Вазир

А. АЛИМОВ.

(Давоми. Боши 2-бетда).

Нишондоримиз

ФИДОЙИЛИК — ЎЗ КАСБИГА САДОҚАТ ДЕМАҚДИР

Фидойилик шунингдек юсак меҳр-муҳаббат талаб этади. Дарҳақиқат, инсонни улугловчи ушбу фазилатлар аслида бир-бирини тўлдирсада, аини пайтда қахрамонимиз портретига чизгилар берар эканмиз, унинг мисолида авваламбор фидойиликни устун қўйишга, бу боладаги шакллантирувчи омилларни эса шу кетма-кетликда кўрсатиб ўтишни жоиз деб билдик.

Бундан ўн йил аввал Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими унвонига сазовор бўлган, мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллиги арафасида тиббиётдаги кўп йиллик самарали фаолияти учун яна бир юсак давлат мукофоти – «Меҳнат шўхрати» ордени билан тақдирланган Козим Эргашевич Маҳкамов билан суҳбатимиз қисқа, аммо, назаримизда, мазмунли кечди. Зеро амин бўлдики, ўз касбига садоқатли, инсонларга меҳр-оқибат кўрсата оладиган фидойи инсон деб таъриф бериш учун дақиқалар ҳам kifоя экан.

Шифокорликни кўпчилик касб деб билади. Республика шошилини тиббий ёрдам илмий маркази нейрохирургия бўлими раҳбари Козим Эргашевич Маҳкамов фикри билан айтганда, аслида бу хунарди. Масалан, вазият тақозо этганда, бемор сифатида шифокор билан бўлган мулоқотимизни бир эслаб кўрайлик. Ҳаммамизнинг фикримиз турли, шундай эмасми?..

Тиббиётда, бу соҳанинг кўп қиррали йўналишларида билим ва кўникмалар орттириб, маҳоратли мутахассис даражасига етишиш деганда, қахрамонимиз бир хунар эгаси бўлиш деб тушуниши шу боисдандир.

Келинг, бир зумга оддий инсон сифатида мушоҳада юришиб кўрайлик. Бизнинг юриш-туришимиз, сўзлашимиз, идрок эта билишимиз, хуллас, бутун аъзоларимиз ҳаракатда бўлиши бош миёга, тиббиёт тили билан айтганда, марказий ҳужайралар тизимининг мувозанатига боғлиқ. Соғлом турмушга риоя этсакда, аммо бирон-бир ташқи муҳит сабаб шу мувозанат бузилгудек бўлса, оқибати қандай кечиши маълум.

– Нейрохирургия, дарҳақиқат, инсонни бошқариш тизими – марказий нерв тўқималарида юзага келган оқибатларни бартараф этиш билан шуғулланган тиббиётдаги йўналиш ҳисобланади, – деб тушунтириш берди мавзуимиз асосига Козим Эргашевич. – Бутун тана ҳис этиш нуқталарини мувофиқлаштирувчи марказий нерв тизими том маънода ҳаёт учун энг нозик нуқтадир. Ундаги доимий жараёни ўрганиб билиш, тўғри ташхис қўйиш, муолажаларнинг ҳар бир услубларини жойида қўллаб олиш учун нейрохирург ўз хунарининг устаси бўлиши керак. Тўғри, бунга эришиш учун кўп йиллик тажриба зарур, лекин, менинг назаримда, зиммадаги катта масъулият, ўз ишининг дарди билан янашни билиш – бирламчи ҳисобланади. Раҳбарнинг асосий вазифаларидан бири қўл остидаги касбдошларига айнан шуни сингдира олиши муҳимдир. Малакага келсак, бугунги шиддатли замонда устозлик ёш танламайди. Кечаги шогирдларимендан ўзиб кетаётди. Хорижда малакала орттириб, нейрохирургиянинг мураккаб микройўналишларини яхши ўзлаштирган ҳолда, ёш мутахассисларимиз биз билан бемалол фикр алмашаётлар. Мен ҳам баъзи нарсаларни улардан ўрганаётиман.

Козим Маҳкамов ўз устозлари ва шогирдлари ҳақида мана шундай мулоҳазалар юритар экан, соҳада эришилаётган ютуқларга ҳам алоҳида ургу бериб ўтди. Қахрамонимиз таъкидлашича, Ўзбекистонда тиббиёт, шу жумладан нейрохирургия соҳаси ривожаниш палласида. Ҳаракат даражаси шунчалик тезкор кечаяптики, ушбу жараёни ўтган ўн-ийгирма йиллар билан умуман таққослаб бўлмайди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Республика шошилини тиббий ёрдам илмий маркази ташкил

этилгани ва ҳар бир вилоятда унинг филиаллари фаолият юритаётгани бунга яққол мисолдир. Нейрохирургия бўлими сўнги русумдаги ташхислаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлангани, кадрлар тайёрлаш масаласи тўлиқ ҳал этилгани ҳам нейрохирургия илм-фан сифатида ривожланиши учун барча шароитлар ва имкониятлар бисёр эканлигидан далолатдир.

– Ҳақиқатан ҳам бошқа йўналишлар қаторида нейрохирургия фани ҳам замон билан ҳамнафас, – дейди К. Маҳкамов. – Бу эса шу хунар вакиллари билан, албатта, доимо изланишда бўлишни тақозо этади. Илмий марказнинг тез тиббий ёрдам кафедраси қошида нейрохирургия бўйича доимий ўқув курси фаолият юритади. Ҳар йили бу ерда турли вилоятлардан келган ёш мутахассислари малака орттириб кетади. Тиббиёт олий ўқув юртли талабалари ҳам нейрохирургия асосларини шу ерда ўрганади. Иқтидорли ёшларимиз амалда соҳа имкониятлари билан яқиндан танишар экан, уларнинг кўпчилиги айнан марказ остонасидан бошлаб келажакда нейрохирург бўлиш мақсадини ўз олдида қўймоқда. Бундан ташқари, ёш мутахассислар Англия, Германия, АҚШ, Жанубий Кореядаги муфозли клиникаларда маҳорат ўташ баробарида биздаги тажриба билан ўртоқлашиш имкониятига ҳам эга бўлмоқда. Ўз навбатида, ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш учун илмий марказимиз негизда хорижлик етук мутахассислар йилига бир неча маротаба ўзбекистонлик нейрохирурглар билан мурракаб жарроҳлик муолажаларини ўтказар экан, бизда яратилган имкониятларни ҳам алоҳида эътироф этмоқда.

Чунончи, маълум бўлишича, кейинги икки йил ичида юртимизга Жанубий Корея ва Англиядан соҳа мутахассисларидан иборат катта делегациялар тажриба алмаштириш учун ташриф буюрган. Келгуси йил бошида ҳам Финляндиyanинг Хельсинки шаҳридаги нуфузли клиникалари вакиллари делегацияси кутилмоқда.

– Албатта, бундай мулоқотлар самараси, ижобий натижалари икки томон учун фойдалидир, –



фикрини давом эттирди суҳбатдошимиз. – Тиббиёт чегара билмайди. Чунки бу соҳанинг мақсад ва вазифалари ер юзида ягона – инсон саломатлигини сақлашга хизмат қилишдир. Буюк аждодимиз Абу Али ибн Синонинг дунё тан олинган ва ҳануз кенг қўллаб келинаётган «Тиб қонунлари»да ана шу мақсад илгари сурилаётганини ҳам эслатиб ўтиш ўринли.

Инсон асаб тизимини бир китобга ўхшатсак, уни мутолаа қилишда, албатта, нейрохирургга тенг келадигани йўқ. Қахрамонимиз фикрича, бемор кўнглига йўл топиш, уни тузатиш учун беморнинг ўзи ҳам ҳаракат қилиши лозим. Агар бемор ўз касаллигини тушуна билса, дардида қарши курашиш учун куч тўплай олса, шифокорнинг катта ёрдамчисига айланади ва пировардида муваффақият муқаррардир.

Биз қахрамонимиз билан учрашиш учун белгиланган вақтдан бироз эртароқ келиб, уни узоқ-

дан кузатишга муваффақ бўлдик. Козим Маҳкамов дастлаб беморлар билан суҳбатлашди. Кейин касбдошларини палаталардан ташқарида тўплаб, «учар» йиғилиш ўтказди. Беш-ўн дақиқалар ичида фикрлар алмашилди, баҳслар ҳам бўлди, қайси беморга қандай муолажа қилиш, шунингдек малака оширишга келган ҳамкасбларга амалиётга кенг кириши учун зарур шароит яратиш, бошқа баъзи ташкилий масалалар ҳам белгилаб олинди. Бизга фурсат келди шекилли дея, Козим Эргашевични энди суҳбатга тортишга шайланаётган эдикки, бўлим раҳбари кабинетига ортимиздан шифокорлар, беморлар, уларнинг яқинлари биринкетин ижозат сўраб кира бошлашди. Бунга ажабланганимиз йўқ, албатта. Дунёда юзлаб касб-хунарлар борки, уларнинг ичида фақат шифокорлик вақт билан ўлчанмайди. Чунки бу соҳа вакиллари ҳар доим ҳаммага керак.

Шуни яхши англаган ҳолда, биз вақт имкониятларимизни қахрамонимиз маслаҳатига муҳтож бўлиб турганларга бердик ва беихтиёр кузатишни давом эттирдик. Козим Маҳкамов авваламбор шифокор ва мутахассис, кейин бўлим бошлиғи сифатида меҳр ила сабр-тоқат билан ҳар бир суҳбатдошини тинглаб, унинг кўнглини олишга ҳаракат қилар эди. Демак, аини пайтда у ҳаммага керак. Шунинг ўзи фидойилик таърифига сазовор бўлиш эмасми!

Мана шундай ораликларда Козим Маҳкамовнинг тўлиқ портрети бўлмасада, дастлабки чизгиларини битишга ҳаракат қилдик.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР, ЮКСАК САМАРАЛАР

мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги ўзгаришларда ҳам яққол намоён бўлмоқда

Бу ҳақда гапирганда, ўтган йилнинг ноябрь ойида пойтахтимизда ўтказилган “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом

зими – 3200 та ҚВП, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари вужудга келди. Қисқа фурсат ичида ана шу ҚВПлар биохимик анализатор, автоклав, бимуклиор мик-

миелит, қоқшол, дифтерия каби хасталикларга бутунлай барҳам берилди. Охириги йилларда қизамиқ ва қизилча касалликлари умуман қайд этилмади. Сўнги ўн йилда эса 10 ёшгача бўлган болаларда гепатитнинг В тури рўйхатга олинмади. Буларнинг барчаси аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи даражаси тобора юксалиб бораётганининг ифодаси, соғлом авлодни дунёга келтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Ҳақиқатдан ҳам бугун Президентимиз раҳнамолигида сифат жиҳатидан энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббиёт, республика ва вилоятлар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, хирургия, кардиология, урология, кўз микрохирургияси каби ўнлаб

сад – халқимиз соғлигини янада мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялашдек эзгу мақсад мужассам. Оналик ва болаликни муҳофазалаш, соғлом зурриётни дунёга келтириш борасида кўрилатган кенг қамровли ишлар тўғрисида мустақил йилларида оналар ва болалар ўлими уч барабар камайди. Очиги, бундай кўрсаткич бўйича бугун Ўзбекистон нафақат МДХ, балки дунёдаги етакчи мамлакатлар сафидан жой олди.

Маълумотларга қараганда, агар 2005 йилда юртимизда мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу рақам 62,9 фоизга етди. Дунёнинг ривожланган давлатларида бу кўрсаткич 70-72 фоизни ташкил этишини инобатга олсак, мамлакатимиз бу масала бўйича ҳам қанчалик юксак ўсиш суръатларига эришяётганлигига амин бўламиз. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 13 апрелдаги “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 1 июлда қабул қилинган “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги Қарорлари асосида бу борада-

ланиши режалаштирилган. 2013 йилда мўлжалланган бунёдкорлик ишлари бунданда юксак. Унга кўра, кейинги йилда 53 та туман тиббиёт бирлашмаси, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, бешта диспансер ва санаторий, бошқа кўплаб шифоналар қурилиб, реконструкция қилинади.

Эътибор беринг, бу ўзгариш ва бунёдкорлик ишлари дунёда ҳали-ҳануз иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда амалга оширилатганлиги тарихий аҳамиятга эгадир. Бу эса Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва “Ўзбек модели” деб ном олган миллий тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри эканини яна бир бор кўрсатиб беради. Чунки бизда халқ манфаати, юрт истиқболи йўлидаги ишлар бир зумга бўлса ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Бу ҳақда сўз борганда, мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрами арафасида академик В. Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг кардиохирургия мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Халқимизнинг буюк яратувчилиқ салоҳиятининг намоёниши бўлган ушбу улкан мажмуа мамлакатимизда Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ислохотларнинг ёрқин намунаси бўлди.

– Тўрт қаватдан иборат замонавий кардиохирургия мажмуаси бизга дунёдаги энг мураккаб ва ноёб жарроҳлик амалиётини муваффақиятли ўтказиш имкониятини янада кенгайтиради, – деди фахрланиб марказ бўлим бошлиғи Ҳакимжон Аброров. – Айни пайтда ҳамкасбларимиз биргина кардиохирургия соҳасида юзга яқин турдаги энг қийин ва ўта нозик бўлган операцияларни, хусусан, юрак очилган ҳолда ҳам, ушлаб турган пайтда сунъий қон айлантириш аппарати уланмасдан ҳам амалга ошираётганлиги, ростки, ўзбек тиббиётининг юксак даражада ривожланаётганлигидан далолатдир.

Дарвоқе, бизга алоҳида ифтихор бағишлайдиган яна бир жиҳати – бу мамлакатимизнинг соғлиқни сақлаш соҳасида эришяётган ютуқлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), ЮНИСЕФ каби дунёдаги энг нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилаётганлигидадир. ЖССТ бош директори Маргарет Ченнинг “Ўзбекистонда ҳатто глобал инқирозлар даврида ҳам аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари мутасил ошиб, умр кўриш давомийлиги юксалмоқда. Ўзбекистон бу билан ҳақли равишда фахрланса арзийди”, дея баҳо беришида ҳам қудратли мезон бор. Табиийки, бундай ҳолис

(Давоми 5-бетда).



она – соғлом бола” мавзuidaги халқаро симпозиум ҳақида эслаш ўринлидир. Ушбу анжуманда дунёдаги ўнга яқин нуфузли халқаро ташкилот ва қирқдан зиёд давлатдан 300 нафар иштирокчи қатнашди. Уларнинг барчаси мамлакатимизда қабул қилинган миллий дастурлар, юртимизда тиббиёт тизимида амалга оширилган ишлар билан даволаш муассасаларида яқиндан танишиб, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида шакланган самарали моделни юксак баҳолади. Бу борада тўпланган тажрибаларни бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида тавсия этиш мумкин, деган яқдил хулоса ҳам қилинди.

– Мустақиллик йилларида мамлакатимиз эришган улкан ютуқ ва марралар ҳақида сўз юритилганда, бошқа соҳалар қатори соғлиқни сақлаш, айниса оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилатган кенг қамровли ислохотлар биринчи навбатда тилга олинини бизни бениҳоя қувонтиради, – дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А. Камитов. – Бу бежиз эмас, албатта. Чунки истиқлолнинг дастлабки йилларидан мамлакатимиз тиббиёт тизимини тубдан ислоҳ қилиш, аҳолининг барча қатламига малакали тиббий хизматдан фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, бир сўз билан айтганда, халқимиз саломатлигини янада мустаҳкамлашнинг самарали механизмини шакллантириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Дарҳақиқат, шундай. Бугун биз мамлакатимиз тиббиёти қанчалик юксалганлигини биргина бирламчи бўғин – ҚВПлар замонавий тиббий марказ сифатида шаклланаётганлиги мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Жойларда беш поғонадан иборат самарасиз, кўп харажат талаб қилиб, етарли натижа бермайдиган эски тизим ўрнига бирламчи бўғиннинг мутлақо янги, ихчам ти-

(Давоми. Боши 1-бетда).



роскоп, фитал доплер ва ЭКГ аппаратлари каби кўплаб дунёнинг энг сўнги тиббий асбоб-ускуналари билан тўлиқ таъминланди.

Ўтган йиллар ичида биргина “Саломатлик-1” ва “Саломатлик-2” лойиҳалари доирасида 70 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ қишлоқ жойларидаги бирламчи тиббиёт бўғини муассасалари инфратузилмасини янада яхшилашга йўналтирилди. 2012 йилги Инвестиция дастурига биноан шу йилнинг ўзида яна 20 та замонавий ҚВП фойдаланишга топширилади.

Ҳозирги кунда ҚВПларни ташкил этиш, уларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш баробарида тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ бугун ҚВПларда 8 минг нафардан зиёд умумий амалиёт шифокорлари самарали фаолият кўрсатаёпти. Тиббиёт ходимларини соҳадаги ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор этиш ва ўқитиш учун ҳам шароитлар яратилди.

– Қишлоқ врачлик пунктларида аҳолига кўрсатилаётган малакали тиббий хизмат, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш борасида кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида аҳолининг оқумли хасталиклар билан касалланиши кескин камайди, – дейди соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, давлат бош санитария врачлари С. Сайдалиев. – Полио-



ихтисослаштирилган йирик марказларни ўз ичига олган тиббиёт муассасаларининг мукамал тармоғи яратилдики, бу, ўз навбатида, юртимизда саломатлик кўрсаткичлари барқарор сақланиб туришида ҳам муҳим омил бўлмоқда. Қолаверса, ўтган йиллар мобайнида “Соғлом она – соғлом бола” гоясини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилиши натижасида илгари ҳатто тасаввуримизга ҳам сиғдиришимиз қийин бўлган скрининг ва перинатал марказлари миллий тиббиётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Табиийки, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган ихтисослаштирилган марказ, диагностика, скрининг ва перинатал хизматлари мажмуалари, янги туғуруқ муассасалари барпо этилгани замирида бир мақ-

га ишлар янги босқичга кўтарилди.

– Эътиборлиси шундаки, соғлиқни сақлаш тизимини янада яхшилаш мақсадини кўзлаб ажратилаётган бюджет маблағлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда, – дейди Соғлиқни сақлаш вазири Иқтисодиёт, молиялаштириш ва истиқболни аниқлаш бош бошқармаси бошлиғи Б. Ҳошимов. – Жумладан, 2011 йилда соҳа ривожини учун давлат бюджетидан 2,2 триллион сўм ажратилган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич 2,8 триллион сўмни ташкил этиши кўзда тутилмоқда. Ҳозирги вақтда 2012 йилги Инвестиция дастури доирасида 150 дан зиёд ҳудудий ва республика миқёсидаги тиббиёт муассасаларида қурилиш ҳамда реконструкция ишлари жадал олиб борилмоқда. Ушбу мақсадларга давлат бюджети ҳисобидан қарийб 256 миллиард сўм сарф-

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР, ЮКСАК САМАРАЛАР

мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги ўзгаришларда ҳам яққол намоён бўлмоқда

этирофлар мамлакатимизда тиббиёт тизими янги босқичга кўтарилгани, хизматнинг замонавий ва ишончли эканлигига яққол далилдир.

Хабарингиз бор, бундан бир муддат олдин "Save the children" ("Болаларни асрайлик") халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда Ўзбекистон болалар саломатлигини мустақамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор етакчи ўнта мамлакат қаторига киритилди. Аҳолига хизмат кўрсатаётган тиббиёт ходимлари сони, тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари, шунингдек, болаларнинг мунтазам эмлашга қараб олиниши, аёлларга туғиш пайтида сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятлари каби қатор муҳим кўрсаткичлар бўйича мамлакатимиз Германия, Франция, Буюк

Британия, АҚШ сингари ривожланган давлатларни ҳам ортда қолдирди.

Мана шундай бир шароитда мамлакатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрда "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниши тиббиёт соҳасида янада жиддий янгилинишлар сари ташланган муҳим қадам бўлди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш, тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, замонавий талаблар ва андозаларга мувофиқ аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш, соҳада бошқариш ва меҳнатни ташкил этишни илғор шакл ва услубларини жорий этиш билан боғлиқ қатор устувор вазифалар белгилаб берилди.

Демак, аҳоли саломатлигини мустақамлашга қаратилган

изчил ислоҳотлар кўлами йил сайин янада кенгайиб бораверади. Зотан, бу инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг манфаати, турмуши ободлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлида хизмат қилиш мамлакатимизда доимий эътибор марказидаги масала бўлиб қолади деганидир.

– Юртбошимизнинг шифокорларга бўлган беқиёс эътибор ва ғамхўрлиги бизни ҳамisha гурурланиб ишлашимиз учун муҳим асосдир, – дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Халидجان Камолов. – Айниқса Президентимиз ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси шифокорлар байрами сифатида нишонланиши барчамизга янада куч-ғайрат бағишламоқда.



Ҳа, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани айтиш ҳақиқатдир. Бу Президентимиз томонидан илгари сурилган "Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак", деган тамойилнинг ҳаётимиздаги яна бир ёрқин ифодасидир.

Фурқат САНАЕВ.

(Давоми. Боши 1-, 4-бетларда).

Қонун ва ижро

БИЛИМ ВА МАЎНАВИЯТ ЎЧОҒИ

Жорий йилнинг 2 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан ҳамкорликда "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалиётга жорий этиш: долзарб вазифалар" мавзусида семинар ўтказилди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинарда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш асносида мутлақо янги ахборот-кутубхона тизимини яратилиб, бу борада ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Соҳада қабул қилинган "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Қонун аҳоли, айниқса ёшларнинг интеллектуал, маданий ва билим олишга бўлган эҳтиёжларини ҳар томонлама таъминлаш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурий маҳсулотлар асосида ахборот-кутубхона ресурсларини шакллантириш, ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни ташкил этишда муҳим омил бўлмоқда.

Маърузачилар "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини аҳамияти ва амалиётга жорий этиш бўйича қилинган ишлар хусусида ахборот берди. Жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари асосида янги ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш, ахборот-кутубхона муассасаларини ягона ахборот тизими орқали бирлаштириш ва масофадан туриб ресурслардан

фойдаланишни таъминлаш, соҳа кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш юзасидан фикрлар билдириб ўтишди.

Аҳолига замонавий ахборот технологиялари асосида кутубхона хизматини кўрсатишнинг янги босқичига ўтишни таъминлаш, ўсиб келаётган авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини янада сифатли ривожлантириш чоралари тўғрисида" 2011 йил 23 февралдаги Қарори эълон қилинди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ва кутубхоналарда тўлиқ матнли электрон ахборот-кутубхона ресурслари фондиди яратиш тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, "Электрон кутубхона тўғрисида"ги намунавий низом тасдиқланди (2011 йил 5 июль).

Ахборот-кутубхона муассасаларининг самарали фаолиятини таъминлаш, ахборот-кутубхона ресурсларини рақамлаштириш бўйича қатор ташкилий-техник чора-тадбирлар амалга

оширилди. Республикаимизда ахборот-кутубхона муассасаларининг умумий сони 12 мингдан ортди. Жумладан, ахборот-кутубхона марказлари 14 та, ахборот-ресурс марказлари 2863 та, давлат ҳокимияти, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари кутубхоналари 9000 дан ортиқни ташкил этмоқда.

Кутубхоначилик соҳасига замонавий компьютер ва мультимедиа технологиялари жорий этилиши орқали ахборот-кутубхона муассасаларида тўлиқ матнли электрон ресурсларини ўз ичига олган электрон каталог тузилиб, маълумотларни тезкор излаш имкониятини таъминловчи автоматлаштирилган тизим жорий этилди. Кутубхона фойдаланувчилари, энг аввало ёшларимизнинг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ихтисослаштирилган электрон кутубхона ва мультимедиа технологиялари заллари ташкил этилди, интернет ва "ZiyoNET" тармоғидан фойдаланиш имконияти ҳам яратилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг муҳташам биноси бунёд этилиб, ушбу маърифат масканида китобхоналар учун барча шароитлар мавжудлиги ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир.

Семинарда сўзга чиққанлар ахборот-кутубхона муассасалари фондларини шакллантириш, уларнинг сақланишини таъминлаш, ресурслардан масофадан туриб фойдаланиш, шунингдек, етакчи хорижий ахборот-кутубхоналардаги маълумотлар базасига уланишни ўз ичига олган ҳолда уларга тақдим этиладиган электрон хизмат кўрсатиш шакллари ва илғор дастурий маҳсу-

лотларни тизимли асосда жорий этиш, ахборот ресурслари ва электрон нашрларнинг йиғма электрон каталогини ташкил этиш орқали кутубхона фаолиятининг барча жараёнларини автоматлаштириш юзасидан аниқ таклифлар кiritишди.

Жумладан, ахборот-кутубхона муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш, электрон ресурслар базасини яратиш ва китобхоналарга тезкор етказиш, ахборотларни етказиш шакллари ишлаб чиқиш, соҳа кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйиш таклифлари илгари сурилди.

Бундан ташқари, касб-хунар коллежлари ва мактаблардаги ахборот-ресурс марказларини махсус маълумотли кадрлар билан таъминлаш, кўп йиллик тажрибага эга бўлган ўрта махсус маълумотли мутахассисларни ишдан ажралмаган ҳолда олий маълумот олиш учун сиртки таълимни йўлга қўйиш, соҳада илмий изланиш олиб бораётганлар учун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида илмий кенгаш ташкил этиш юзасидан кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Семинар якуни бўйича "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонун нормаларини амалиётга жорий этиш, бу борада ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ҳафиза КАРИМОВА,
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати.

Дил изҳори

РАҲМАТ СИЗГА, ШИФОКОРЛАР

Олти йилдирки, қандли диабет хасталиги билан даволаниб келаман. Кейинги пайларда ушбу касаллик туфайли Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг диабет нефропатияси бўлимида мунтазам даволаниб тураман.

Фурсат келганида айтмоқчиманки, бўлим мудирини М. Ойхўжаева, тиббиёт фанлари номзоди М. Душанова, ҳамшира Ф. Холбоевалар биргана менга эмас, кўплаб наҳот излаб келган беморларга билим ва маҳоратини ишга солиб, тезда соғайиб кетишимизда ўз меҳнатини аяшмаяпти.

Ушбу бўлим аҳил жамоасига ўз миннатдорчилигимни билдириб, барча шифокорларни касб байрамлари билан самимий қутлайман.

Бобоҳон ҲАКИМОВ,
Сурхондарё вилояти,
Шўрчи тумани,
«Толли» маҳалласи.

Турмуш ўртоғим Бибисара Нуржанованинг соғлигида ўзгариш кузатилгани боис мутахассислар тавсияси билан Республика онкология марказининг колопроктология бўлимига мурожаат қилдик. Бу ерда тажрибали шифокор Абдували Ҳақимов рафиқамнинг соғлигини назорат қилгач, жарроҳлик амалиёти ўтказиш лозимлигини айтди.

Жарроҳлик муолажаси муваффақиятли ўтишида ва оиламинг соғлигини тиклашда бўлим бошлиғи А. Ҳақимов, катта ҳамшира М. Имомалиева, ҳамширалар Ҳ. Рўзибоева, Х. Матниёзова, М. Мир-олимова, анестезиолог А. Манзуровларга дил изҳоримни билдириб, уларни Тиббиёт ходимлари кунини билан табриклайман.

Досжан НУРЖАНОВ,
Қорақалпоғистон
Республикаси,
Қонликўл тумани.

Халқаро конференция

ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШНИНГ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Жорий йилнинг 19-20 октябрь кунлари Самарқанд Давлат тиббиёт институтида “Замонавий тиббиётда диагностика ва даволашнинг янги технологиялари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда нафақат юртимиз, балки Австрия, Швейцария, Люксембург, Россия, Франция, Венгрия, Бельгия, Туркия сингари давлатлардан етук олимлар, тажрибали мутахассислар иштирок этди. Конференцияда асосан тиббиёт тизимида замонавий диагностика ва даволаш усулларида фойдаланиш, амалиётга янги технологияларни жорий этиш, кардиохирургия истиқболлари ва бошқа долзарб масалалар юзасидан кенгайтирилган муҳокамалар ўтказилди.

бий натижаларини бермоқда. Бунда, шубҳасиз, Ўзбекистонда инсон саломатлигини мустахкамлашга қаратилган кўплаб тадбирлар ташкил этилаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Албатта, шифокорлар сўзи билан айтганда, аниқ ташхис – бирламчи даводир. Икки кун давомида қадимий шаҳарда амалга оширилаётган яратувчилик ишлари, шунингдек тиббиёт ходимларининг даволаш соҳасидаги изланишлари билан танишдик. Бундай анжуманларнинг соҳа ривожига ўрни ва роли бекиёс деб ўйлайман.

2011 йилнинг ноябрь ойида мамлакатингиз Президенти ташаббуси билан “Соғлом она – соғлом бола” шиори остида ўтказилган халқаро симпозиумда иштирок этиб, соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган ютуқлар билан яқиндан танишиб, Ўзбекистон дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторидан аллақачон жой олганлигига амин бўлдим. Инглиз, немис, француз тилларида гаплашадиган ёш мутахассислар билан суҳбатлашиб, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим.

Татьяна ТРОФИМОВА, Ава Петер-Скандинавия тиббиёт компанияси клиникаси бош врач, профессор, “Нурли диагностика ва даволаш” журнали бош муҳаррири (Санкт-Петербург):

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Самарқанд Давлат тиббиёт институти ҳамкорлигида ташкил этилган илмий-амалий анжуманда диагностика ва даволашда янги технологияларни қўллаш бўйича амалга ошири-

лиши зарур бўлган вазифалар белгиланиб, бу борадаги ҳамкорликни янада кучайтиришга келишиб олинди. Конференцияда “Бош мианинг токсик зарарланишининг нурли диагностикаси” мавзусидаги маъруза билан иштирок этдим.

Австриянинг Грац тиббиёт университети кардиохирургия клиникаси раҳбари, профессор **Хайнрих Махлер** “Кардиохи-

Жан Луи, венгриялик Борбелли Католлин, голландиялик Вандер Зий Якоби каби таниқли олимларнинг мавзуга оид қизиқарли маърузалари тингланди.

Икки кунлик конференцияда асосан Самарқанд Давлат тиббиёт институти талабалари фаол қатнашиб, малакали мутахассислар билан ўзаро фикр алмашиб, турли мавзуларда



Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда жаҳон ва республикада тиббиёт муассасаларида магнит-резонанс, компьютер ҳамда мульти-спиралли томографлар диагностика жараёнларида ишлатилаётганлиги касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш имконини бермоқда. Илмий-амалий анжуманда бу борадаги ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, даволаш соҳасидаги айрим муаммолар масалалар ечимини топиш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Райне РЕЙНМЮЛЛЕР, Грац тиббиёт университети радиология маркази раҳбари (Австрия), Европа радиологлар ассоциацияси президенти:

– Мазкур нуфузли анжуманнинг Самарқандда ўтказилиши бежиз эмас. Чунки Самарқанд Давлат тиббиёт институти профессор-ўқитувчиларининг замонавий диагностика ва янги технологияларни қўллашда ривожланган давлатлардаги клиника ва тиббиёт университетлари билан йўлга қўйган яқин ҳамкорлиги ўзининг ижо-



рургиянинг истиқболлари” мавзусида видеоқўргазмани маъруза қилиб, конференция қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Ҳамкасблар билан суҳбат чоғида ёш мутахассисларни уч ҳафта Австрияда ўқитиш мумкинлиги хусусида ҳам тўхталиб ўтди.

Бундан ташқари, швейцариялик профессор, Акросвейс фармацевтика компанияси раҳбари Йоханенс Фройлих, бельгиялик Франц Дененс, туркиялик Муштурай Карача Алтын-каба, чехиялик Миласлав Рочек, люксембурглик Патти Дидье, франциялик Собрайроль

мулоқот уюштирилди. Маърузаларда баҳс-мунозара, савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Шунингдек, конференция иштирокчилари Самарқанд шаҳрининг тарихий обидалари билан танишиб, бу дурдона шаҳар, умуман Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига юсак эътирофлар билдиришди.

Я. АЛЛАЁРОВ, Самарқанд Давлат тиббиёт институти проректори. Фирдавс АШУРОВ, даволаш факультети талабаси.

Юртимиз шифохоналарида

ИМКОНИЯТЛАР КЕНГ, ИШДА МАСЪУЛИЯТ ЗАРУР

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳоли саломатлигини мустахкамлаш баробарида бирламчи тиббиёт бўғинларига қаратилаётган эътибор туфайли ушбу соҳа тобора такомиллашиб бормоқда. Шаҳарларда оилавий поликлиникалар аҳолига кафолатланган бепул хизмат кўрсатиши халқаро ҳамжамият томонидан муносиб эътироф этилмоқда. Бугунги кунда оилавий поликлиникаларнинг аксарияти замон талабларидаги даволаш-диагностика технологиялари билан тўлиқ жиҳозланиб, бундай имкониятлардан халқимиз бирдек мамнун бўлмоқда. Пойтахтимизнинг Олмазор туманида жойлашган 14-оилавий поликлиника фаолияти ана шундай саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодасидир.

– “Мустахкам оила йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида оилавий поликлиникамизда йил бошидан махсус режа асосида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди, – дейди суҳбатимиз аввалида 14-оилавий поликлиника бош шифокори **Д. Каюмова**. – Фаолиятимиз асосан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларимиз соғлигини яхшилаш, оилаларда тиббий маданиятни ошириш ишларига кенг йўналтирилган. Президентимизнинг 2009 йил 1 июлдаги “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустахкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воёга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”-



ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида шу кунга қадар 8,4 мингдан зиёд туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўриқдан ўтказилди, касаллик белгилари аниқланганларда соғломлаштириш чоралари кўрилди. Бунинг баробарида худудимиздаги 14 ёшгача бўлган бола-

лар ҳам тиббий кўриқдан ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш борасида ҳам қатор амалий ишлар бажарилмоқда. Мурувжарат қилган барча ҳомиладор аёллар ва никоҳланувчиларга биринчи навбатда соғлом турмуш тарзига амал қилиш, гиёҳвандлик, ирсий касалликлар, ОИВ инфекцияси ҳақида батафсил маълумотлар бериб, улар соғлигини назорат қилиб борамиз.

Албатта, ушбу жараёнларга янада кенг тус бериш, аҳоли билан ҳамнафас ишлаш, оилаларда касалликларни эрта аниқлаш ва ташхис қўйишда оила шифокорининг алоҳида ўрни бор. 14-оилавий поликлиника шифокори **Мактума Тўрахўжаева** (суратда) билан бўлган суҳбатимиз асосан оилалардаги тиббий маданиятни ошириш мавзусига қаратилди.

– Аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш, оилада соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш борасида кўплаб учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди, – деди **М. Тўрахўжаева**. – Кенг жамоатчилик ва маҳалалар билан ҳамкорликдаги ишларимиз жамиятда тиббий маданият ошишида



ўз самарасини кўрсатмоқда.

Ўсмирлар билан ишлаш бўйича шифокор **Замира Халилова** (суратда)нинг фикрича, ёшлар ўртасида зарарли одатларнинг олдини олиш мақсадида “Соғлом ёшлар” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Таълим муассасаларидаги ёшлар жамоаси билан турли мавзудаги мулоқотлар, мажмуавий чора-тадбирлар ҳам ўтказилади.

Бир сўз билан айтганда, соғлиқни сақлаш тизимида ислохотларни изчил давом эттириш ва ижобий кўрсаткичларга эришиш борасида ушбу поликлиника жамоасининг ҳам ҳиссаси бор.

Даврон АХМЕДОВ, Муаллиф олган суратлар.

14 ноября – Международный день борьбы с сахарным диабетом

ОСНОВНОЙ УПОР — НА ПРОФИЛАКТИКУ

Сахарный диабет на сегодняшний день остается одним из наиболее распространенных высокозатратных хронических заболеваний и является серьезной проблемой для системы здравоохранения всех стран. Менее чем за двадцать лет число больных сахарным диабетом в мире увеличилось в шесть раз. За последние 35 лет в Узбекистане количество зарегистрированных больных сахарным диабетом увеличилось в четыре раза и превысило 100 тысяч человек.

Неправильный образ жизни – переизбыток стрессов, низкая физическая нагрузка с последствиями в виде избыточной массы тела и ожирения значительно повышает риск развития сахарного диабета.

В нашей стране культурно-национальные традиции очень богаты, народ гостеприимен, все праздники и мероприятия проводятся с обильными застольями. Мы очень любим жирную пищу. Однако не стоит забывать, что наши предки после обильного завтрака пешком шли на поле и работали целый день, копали землю, собирали урожай. Сегодня, в принципе, мы принимаем такую же еду, но до рабочего места добираться на комфортабельных автомобилях, сидим в кабинете за компьютером. В

нашем рационе появилось много высококалорийных, легкоусвояемых продуктов. Люди стали употреблять фастфуд (гамбургер, хот дог, пиццу, лаваш).

В связи с постоянной перегрузкой страдает поджелудочная железа, нарушается выработка инсулина, без которого невозможно усвоение глюкозы тканями. Повышается уровень сахара крови. Организм старается выделит избыточную глюкозу с мочой, поэтому больной много и часто мочится. У него развиваются жажда, сухость кожи и слизистых оболочек, потеря веса, общая слабость.

Если вы заметили у себя или близких такие симптомы, обязательно проверьте уровень сахара в крови. При выявлении заболевания врач-эндокринолог окажет вам квалифицированную по-

мощь, научит, как полноценно жить с сахарным диабетом. Для этого современная медицина располагает всеми необходимыми препаратами, средствами и методами контроля за сахаром крови. Но для успешной борьбы с диабетом нужны не только сахароснижающие средства и старание врача, но и усилия больного. Соблюдая диету, пациент уменьшает углеводную нагрузку на организм, улучшает компенсацию заболевания, снижает риск осложнений. Диета больного диабетом полноценна, она исключает лишь сладости, животные жиры, ограничивает легкоусвояемые углеводы.

В Узбекистане для привлечения внимания общественности к проблемам диабета ежегодно в ноябре эндокринологи проводят месячник диабета. В рамках «дней открытых дверей» при РСНПМЦ эндокринологии и городском эндокринном диспансере организуются профилактические мероприятия. Тематические марафоны, беседы проходят в махаллях, вузах и средних специальных учебных заведениях.

Чтобы уберечь себя и своих



близких от столь серьезного заболевания, необходимо придерживаться простых правил – не переедать, употреблять больше овощей и фруктов, избегать жирной пищи, ограничить сладости, отказаться от курения, не злоупотреблять алкоголем. Самое главное – вести активный образ жизни, заниматься спортом и любимым делом. Если вы не имеете времени или средств для посещения

бассейнов, фитнес- или тренажерных залов, ежедневно ходите пешком не менее 2000 метров, любуйтесь нашей прекрасной столицей и будьте здоровы!

Азиза ЮНУСОВА,
заведующая
организационно-методическим отделом
Ташкентского городского
эндокринологического
диспансера.

САЛОМАТЛИК БЕБАХО БОЙЛИГИМИЗДИР

Мамлакатимизда 1 ноябрдан 1 декабрга қадар «Қандли диабетга қарши кураш ва ундан аҳолини муҳофаза қилиш ойлиги» эълон қилинганлиги боис халқимизнинг саломатлигига эътибори янада ошиб, ушбу касаллик тўғрисида кўпчилик тўлиқ маълумотга эга бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси ва Эндокринологлар ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анъанавий тадбир қандли диабет ка-

Жумладан, тиббий кўрик Мирзо Улуғбек туманидаги 4-оилавий поликлиникада ҳам ўтказилди.

Поликлиника худуди аҳолисининг 45 ёшдан юқори бўлган хавфли гуруҳга мансуб вакиллари, шунингдек мазкур муассаса ходимлари ҳам Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассислари томонидан қандли диабет бўйича кўриқдан бепул ўтказилиб,



рилгани мени лол қолдирди.

– Ёшим олтимишда. Қандли диабет хасталигига чалинмаган бўлсам ҳам, ҳар йили ўтказиладиган тиббий кўриқда мунтазам қатнашман, шунинг баробарида ушбу касалликнинг келиб чиқиши, унинг асоратлари ҳусусида кўпгина маълумотга ҳам эга бўлман, – дея ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашди Муҳаббат Мираҳмедова.

керакли маслаҳат ва тавсияларни олишди.

– Ўз соғлигимни текширтирар эканман, менда қандли диабет аниқланмаганлигидан кўнглим хотиржам бўлди, – дейди Малика Аҳмаджонова. – Ўз навбатида, бу борада малакали мутахассисларнинг тавсиялари ҳам фойдадан ҳоли эмас. Шунини айтиб ўтмоқчиманки, кўрик давомида замонавий аппаратларда қон таҳлили натижалари бир зумда чиқа-



саллиги билан боғлиқ оғир асоратларнинг олдини олишда асосий ўрин тутди.

Ойлик доирасида Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг малакали ходимлари томонидан бепул тиббий текширувлар Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси негизидаги оилавий поликлиникаларда амалга оширилганлиги ҳам аҳолини мамнун этмоқда.

Яқинда шу каби тадбир Юнусобод туманидаги 53-оилавий поликлиникада ҳам бўлиб ўтди.

– Аввало Президентимизга минг раҳмат, – деди биз билан суҳбатда Қосим Каримов. – Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида тиббиёт тизимида катта ўзгаришлар бўлди. Соҳа муассасаларида яратилган шароитларни айтмайсизми. Навбат кутиб ўтиришлар йўқ, шифокору ҳамшираларнинг илиқ муома-



монавий босқичда ривожланаётганлигидан далолат беради.

Ойлик доирасида шу каби тадбирлар Тошкент шаҳри қаторида республика миқёсда кенг ҳудудларда кенг қамровда ўтказилмоқда. Бир сўз билан айтганда, аҳоли бундай имкониятлардан мамнун.

Ибодат СОАТОВА.
Суратлар муаллифи
Анвар
САМАТХОДЖАЕВ.

ласи, аниқ ташҳис ва даво муолажаларининг ўз вақтида олиб борилаётганлиги барчамизни мамнун этмоқда. Қувонтиргани, диабет касаллиги бўйича тиббий кўрик малакали мутахассислар томонидан бепул амалга оширилди. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, қон таркибидаги қанд миқдорини аниқлайдиган кичик ҳажмдаги махсус аппарат ёрдамида тезкорлик билан ташҳис аниқланди. Бу эса бугунги тиббиётимизнинг за-





Оқ халат сиз учун кундалик либос,
Касбингизга қўйибсиз мунчалар ихлос.
Дилларда уйғотар ҳавас, эҳтирос,
Меҳр-мурувватингиз гўзал, шифокор.

Гоҳида туну кун ололмайсиз дам,
Дардманлар дардига бўлай деб малҳам.
Юртдошлар бахти бўлинг, ёнинг мисли шам,
Кўёшдек меҳр нурунги кулсин, шифокор.

Шеърят

Соғлик посбонлари, буюксиз, буюк

Донишманддан ҳамроҳи сўради:
– Қандай одам узоқ умр кўради?
Деди: Аввал соғлик қадрига етган
Ва яна онасин эъозлаб ўтган.

Соғлик бор, бу дунё кўрингай яхши,
Соғлик бор, чин дилдан куйлағай бахши,
Соғлик бор, одамзот оламнинг нақши,
Соғлик посбонлари, суюксиз, суюк.

Соғлик бор, аёллар ой юзли санам,
Соғлик бор, авлодлар енгилмас бардам,
Соғлик бор, боболар руҳи шод ҳар дам,
Соғлик посбонлари, суюксиз, суюк.

Соғлик бор, бахт учун имкон етарли,
Соғлик бор, шон-шухрат оти эгарли,

Соғлик бор, кўнгиллар тоғдай виқорли,
Соғлик посбонлари, суюксиз, суюк.

Соғлик бор, голиблик гашти бебаҳо,
Соғлик бор, паҳлавон ўзбегим танҳо,
Соғлик бор, мамлакат пухта мутлақо,
Соғлик посбонлари, суюксиз, суюк.

Соғлик бор, руҳафзо янграйди тор ҳам,
Соғлик бор, кўшиқлар топмагай барҳам,
Соғлик бор, ҳар бир тонг оромбахш байрам,
Соғлик посбонлари, буюксиз, буюк.

Рустам АБДУЛҲАМИД,
шифокор,
Андижон вилояти.

Ҳеч қачон чарчаманг, азиз шифокор!

Ногоҳ Оллоҳ берса оғир бир дардни,
Яшашдан қолмаса ҳеч бир умидинг.
Яна кўп яшашга ундайди сени,
Қўлингдан тутайди сўнгги умидинг.

Кўзларингни оч, ҳеч чўчимасдан,
Бошингда парвона, ҳар дам саришта.
Ҳа, бу ўша, сени қўлингдан тутган
Оппоқ либосдаги гўзал фаришта.

Сизни улуғлашга етмас санъатим,
Беморлар дардига доим дармонсиз.
Сиздек шифокорлар бор экан токи,
Инсоният абад яшайди дардсиз.

Мен ҳам бўлгим келар тезроқ шифокор,
Сизларга ўхшаган қайноқ меҳрли.

Токи сиздек соғлик посбонлари бор,
Ҳеч қачон бўлмайдим инсонлар дардли.

Бемор келар турли хасталик билан,
Кимдир оғир, кимдир енгил дард билан.
Баъзи беморлар бор хаста, жahlдор,
Барига чидайсиз, яхшиям сиз бор.

Дардимиз дармони яхшиям сиз бор,
Ўз касбига содиқ, элга вафодор.
Сизнинг ортингизда биздек ёшлар бор,
Ҳеч қачон чарчаманг, буюк шифокор!

Феруза АБДУЛЛАЕВА,
II Республика тиббиёт коллежи
"Ҳамширалик иши" бўлими
ўқувчиси.

Қутлов

ҲАР ИШДА ОҚИЛА, САМИМИЙ, КАМТАР

Республикамизнинг қайси бир тиббиёт муассасасида бўлмайдик, у ердаги ходимларнинг муомала-маданияти, қолаверса, фаолиятдаги ўрни ўз мавқеига эга бўлиб, бугунги тиббиётимизнинг янада ривожланишида муносиб ҳисса қўшаётганликларини кўриб фахрланиб кетамиз.

Дарҳақиқат, ана шундай инсонлардан бири Республика саломатлик ва тиббий статистика институтида кўп йиллардан буён жонқурлик билан меҳнат қилиб келаётган Насиба Акрамова айни тиббиёт ходимларининг касб байрами арафасида 70 ёшни қарши олди.

Насиба Акрамова ўзининг меҳнатсеварлиги, қатъиятлилиги, самимий ва камтарин ҳамда хушмуомалалиги билан жамоа, оила, маҳаллада обрў ва эътиборга эга. Унинг институтида олиб бораётган ишларига назар ташлайдиган бўлсак, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда доимий иштирок этиб келади. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларида ҳам долзарб мавзулардаги мақолалари билан қатнашиб, институт томонидан ишлаб чиқилаётган услубий қўлланма, тарқатма материал, буклетларни тайёрлаш ва чоп этишда фаоллик кўрсатади.

Насиба Акрамованинг ташкилотчилиги ва ташаббускорлигини инobatта олган раҳбарият уни жамоага касаба уюшмаси раиси этиб тайинлаган. Ушбу йўналишда фаолият олиб бориш, албатта, осон эмас. Аввало инсонлар қалбига йўл топиш ва меҳнатини қўллаб-қувватлаш, камарбаста, кези келганда уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила олиши ҳамда холис шахс сифатида ўз ишига адолатли ёндошиши зарур. Насиба опада ана шундай эзгу фазилатларнинг мужассамлиги унинг жамият ва оиладаги ўрнини белгилаб берганлиги беҳиз эмас.

Эътирофлиси шундаки, Насиба Акрамованинг турмуш ўртоғи Ёри Жўраев ҳам мазкур институтида узоқ йиллар фаолият юритиб, соғлом турмуш тарзи бўйича тарғибот ишларини кучайтириб, халқимизнинг тиббий маданияти ва соҳа мутахассисларига бўлган ишончини оширишда муносиб ҳиссасини кўшиб келди. Аҳил оиланинг фарзандлари ота-оналари изидан бориб, улар ҳам халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилиб келмоқда. Аввало, оиланинг қувончи унинг тотувлигида деганларидек, ушбу хонадонда камол топаётган бир-биридан ширин набиралар буваю бувижонисининг бардавомчилари десак, янглишмаймиз.

Шунингдек, умр йўлларини тиббиётга бахшида этган Насиба Акрамова ва Ёри Жўраевлар ҳали-ҳамон соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритиб, қанчадан-қанча шогирдлар етказишмоқда. Қалби меҳнат билан йўрилган, инсонларга яхшилик улашувчи, эзгу ниятли Насиба Акрамовани етмиш йиллик таваллуд ҳамда Тиббиёт ходимлари куни билан чин дилдан қутлаб, уларга сиҳат-саломатлик, кўтаринки кайфият ҳамда оилавий хотиржамлик тилаб, доимо хушчақчақ бўлиб юришларини истаб қоламиз.

Республика саломатлик ва тиббий статистика институти жамоаси,
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси тахририяти.

Обуна – 2013



Хурматли муштарийлар!
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2013 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда. Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар!

Республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар, фаолиятлар ҳамда янгиликлардан хабардор бўлишни истасангиз сеvimли газетангизга обуна бўлишни унутманг!
Нашр индекси: 128.

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 6214 нусха.
Буюртма Г-1145.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

